

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**Оммавий маданият, ёшлар тарбияси  
ва миллийликни сақлаб қолиш  
зарурати”. Ҳафта янгиликлари.**

**13- маънавият соати**  
**Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси**  
**Маърузачи: Махмудов Л.Ю.**

**«ОММАВИЙ  
МАДАНИЯТ» НИМА?**

## **Табиийки, «оммавий маданият»**

**деган никоб остида ахлоқий  
бузуқлик ва зўравонлик,  
индивидуализм, эгоцентризм  
ғояларини тарқатиш, керак бўлса,  
шунинг ҳисобидан бойлик  
орттириш, бошқа халқларнинг неча  
минг йиллик анъана ва  
қадриятлари, турмуш тарзининг  
маънавий негизларига  
беписандлик, уларни қўпоришга  
қаратилган хатарли таҳдидлар  
одамни ташвишга солмай  
кўймайди.**



**Ислом КАРИМОВ**

Бугун ёшларимиз үзига  
хос “**тушунчалар уруши**”  
шароитида яшамокдалар.  
**“Оммавий маданият”** ота-  
боболаримиз “**кора**” деган  
нарсаларни “**ОК**”, “**ОК**”  
деган нарсаларини  
“**кора**” деб уқтирумокда.



# **МАНА “ОММАВИЙ МАДАНИЯТ” ЁШЛАРГА ТАКЛИФ ҚИЛАЁТГАН ЛУҒАТ:**

**Исрофгарчилик – БОЙЛИК БЕЛГИСИ;**

**Ёшлик – ТЕЗ ЎТИБ КЕТАДИГАН, ЛАЗЗАТЛАНИБ  
ОЛАДИГАН ВАҚТ;**

**Вафо, садоқат – ЭСКИЛИК САРҚИТЛАРИ;**

**Фоҳиша – ХИРСЛИ ХОДИМА;**

**Ҳаё, ибо – МАДАНИЯТСИЗЛИК;**

**Инсоф қилиш – ИМКОНИЯТНИ БОЙ БЕРИШ;**

**Саховат – РЕСУРСНИ МАҚСАДСИЗ СОВУРИШ;**

**Яхши ота – БОЛА ҚЎЛИГА КАТТА ПУЛ БЕРУВЧИ  
ПОЗИТИВ ПАРТНЕР;**

**Ёмон ота – БОЛАСИГА ПУЛ ЭМАС, БИЛИМ,  
МАЛАКА БЕРУВЧИ НЕГАТИВ ПАРТНЕР;**

**Оила – ШАХС ЭРКИНЛИГИНИ БЎҒУВЧИ ЗАНЖИР;**

**Хиёнат – ОЗОД СЕВГИ ҒАЛАБАСИ;**

**Худбинлик – ЎЗИ УЧУН ЯШАШ. ОИЛА, ФАРЗАНД,  
ОТА-ОНА УЧУН ҚАЙГУРМАСЛИК.**



**Бизда**  
**ўзимизники,**  
**муҳокама**  
**бартараф** этиши керак” деган  
муроҳаза бор. Шу жиҳатдан  
оммавий  
**ахлоқий**  
**зўравонлик,**  
**эгоцентризм**  
тарқатишга  
шаклларини  
шуларга қарши курашишимиз  
керак бўлади.

“ютуқларимиз  
камчиликларни  
қилиб, уларни  
маданиятнинг  
**бузуклик** ва  
**индивидуализм,**  
**ғояларини**  
**қаратилган**  
**аниқлаб,** ана

АХЛОКИЙ БУЗУКЛИК

ЗҮРАВОНЛИК


ИНДИВИДУАЛИЗМ ВА ЭГОЦЕНТРИЗМ

АХЛОКИЙ  
БУЗУҚЛИК

ЗҮРАВОНЛИК

ИНДИВИДУАЛИЗМ ВА  
ЭГОЦЕНТРИЗМ

# Ахлокий бузуклик



# АХЛОҚИЙ БУЗУҚЛИК



- 1. Сигарета чекиши.**
- 2. Алкоголизм – спиртли ичимликлар ичишга ружу қўйиш.**
- 3. Аёлларнинг эркаклар айтадиган сўзларни айтиб сўкинишлари.**
- 4. Порнографик махсулотларни тарғиб қилиш, томоша қилиш ва тарқатиш.**
- 5. Старизм**
- 6. Билимсизлик, ахлоқсизлик, маданиятсизлик, тартибсизлик ва ватанфурушликни қўллаб-қувватлаш.**
- 7. Баданига турли хил татуировкалар чизиш.**
- 8. Бир хил жинсдаги кишиларнинг турмуш қуриши.**
- 9. Эркакларнинг аёллар кийимида юриши ва аёллар пардоз воситаларидан фойдаланган ҳолда ўзига оро бериши (кўзи, лаби, қоши ва соchlарини бўяши).**

# СИГАРЕТА ЧЕКИШ



АҚШда 13 ёшгача бўлган ўсмирларнинг  
6 миллиондан кўпи чекади.

Пассив чекиш натижасида 200 мингдан 1 миллионгача  
бўлган болаларда астма касаллиги оғир шаклда кечади.

Ҳар йили болаларда пневмония, бронхит каби юқумли  
касалликларнинг сони 150-200мингни ташкил қилади. У  
асосан 18 ойгача бўлган янги туғилган ва ёш болаларда  
учрайди.

Бундан 10 йил аввал қилинган ҳисоб китобларга кўра  
сайёрамизда 40 фоиздан кўп кашанда бор экан. Улар бир  
сонияда 300 мингдона, 1 йилда эса 12 млн сигарета чакишар  
экан.

Кашандалар дастидан бир йилда салкам 700 тонна  
сиnil кислота, 400 минг тонна аммиак, 600 минг  
тонна корамой ва 100 минг тонна чекилган  
сигаретадан атмосферага никотин тарқатар экан.



# АЛКОГОЛИЗМ, АЙНИҚСА, АЁЛЛАР(ҚИЗЛАР)НИНГ СПИРТЛИ ИЧИМЛИКЛАР ИЧИШЛАРИ.



Буни илгарилари факт шаҳар жойларидағина күрар әдик. Ҳозир эса қишлоқда ҳам аёлларнинг, айниқса, ёш қизларнинг спиртли ичимликлар ичиб юришганининг гувоҳи бўлмокдамиз. Гўёки улар ичишмаса, ўзларини замондан орқада қолган, маданиятсиз ва таҳқирланган деб ҳис этишар эмиш. Англаб турганингиздек, ичиш ундейлар учун маданият. Демак, аёлларнинг спиртли ичимликларни ичиб юришлари **“оммавий маданият”** никоби остида кириб келмоқда.



# **ҲАДДАН ТАШҚАРИ ТОР ВА ОЧИҚ, БАДАНИ, АЙНИҚСА, ҲАТТО АЁЛЛИК БЕЛГИЛАРИ ҲАМ КҮРИНИБ ТУРАДИГАН ДАРАЖАДАГИ КИЙИМЛАР КИЙИБ ЮРИШ.**



**Бундай ҳолатни илгари ўзга миңтака вакилларида учратар эдик. Ҳозир ўзбек миллатига мансуб қизларимиз, қолаверса катта ёшли аёлларимизни ҳам шундай кийимда кўришга мажбур бўлиб қолдик.**

**Энг ачинарлиси, ўқитувчиларимизнинг шундай аҳволда кийинишлариdir. Айниқса бошланғич синф ўқитувчилари. Буни кўриб тарбия олаётган болаларимизни келажакда бунданда бадтар ҳолатда кўрмаймиз, деб ким кафолат бера олади.**



# ПОРНОГРАФИК МАХСУЛОТЛАРНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ, ТОМОЩА ҚИЛИШ ВА ТАРҚАТИШ

Бундай ҳолатлар авваллари интернет клубарида эди. Бугун улар назоратга олинганидан кейин, энди яширин равищда диск сотиш, уятсиз расмлар сотиш ва бошқа шу каби ахлоқсизликлар авж олиб бормокда.

Миллий менталитетимизга зид бўлган бундай одатлар эса ёшларнинг маънавий тубанлашишига, ўғил болаларнинг йигитлик хусусиятини йўқотишгача олиб келаётгани эътиборга лойик.



## СТАРИЗМ (СУБЪЭКТИВ ЭХТИРОСЛАРГА БЕРИЛГАН ҲОЛДА, ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИ, АКТЁРЛАР, СПОРТЧИЛАР, ТЕЛЕДИКТОРЛАРНИ ИЛОҲИЙЛАШТИРИШ).

Ёш йигит-қизларнинг шахсий хоналариға кирсангиз, ё чет эл актёри, ё чет эл қўшиқчиси, ё чет эл теледиктори ёки чет спортчисининг бир неча юзлаб расмларини деворларга ёпиштириб ташлаганига кўзингиз тушади. Энг қизифи улар ана шу қаҳрамонларининг расмини (!) яқин кишиларидан ҳам устун қўйишади (Бирорта расмни йиртсангиз, “Бу сендан қиммат туради, нега йиртдинг!?” деб ўдағайлашидан ҳам буни билиш мумкин). Улар қоринлари оч қолса ҳам нон олмасдан ўзлари севган қаҳрамонларининг расми ёки ижод намунасини олишади. Ана шу қаҳрамонлари учун ҳеч нарсадан тоймайдилар, ҳатто ўзгаларга шикаст етказишдан ҳам.



# **БИЛИМСИЗЛИК, АХЛОҚСИЗЛИК, МАДАНИЯТСИЗЛИК, ТАРТИБСИЗЛИК ВА ВАТАНФУРУШЛИКНИ ҚҰЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ**

Ёшлар орасида “Хең, пат-т-трио-о-о-от!!!” деган истекзі билан билимли, одоб-ахлоқлы, маданиятли болалар устидан кулиш ва мазахомуз оғанғдаги сўзларни айтиб, уни яккалаш ҳолатларини кузатиш мүмкин. Бундайлар синфдош ёки гурухдошлари уй вазифасини тайёрлаб келган бўлса, унга қаратага: “Энди ўзингча билимдонсан-да, а?!” , “Ақллилик қиляпсан-да, а?!” каби гаплар билан маданиятли, ахлоқ-одбли болаларнинг фашига тегишади ва шу йўл билан уларни ҳам ўз сафларига, яъни ишёқмас, дангаса, ахлоқсиз, билимсиз безорилар сафига қўшишга ҳаракат қилишади. Ажабланарлиси, маълум бир маънода мақсадларига эришишади ҳам. Натижада билимли, юксак дидли ва маданиятли ёшлар сони камайиб боради.




# БАДАНИГА ТУРЛИ ХИЛ ТАТУИРОВКАЛАР ЧИЗИШ



АХЛОҚИЙ  
БУЗУҚЛИК

ЗҮРАВОНЛИК

ИНДИВИДУАЛИЗМ ВА  
ЭГОЦЕНТРИЗМ



# БИР ХИЛ ЖИНСДАГИ КИШИЛАРНИНГ ТУРМУШ ҚУРИШИ


Бу борада таниқли ёзувчи Тохир Маликнинг қуйидаги сўзларини келтириш ўринли:

*“Одамни ҳайвондан ажратиб турувчи нарса онгли равишда покиза оила қуриши. Оила деганда биз эр ва аёлнинг қўшилувини англаймиз. Лекин эркак билан эркакнинг, аёл билан аёлнинг қўшилувини «оила» деб аташ одамзотни ҳайвонот олами билан теппа-тенг қилиб қўймайдими? Бу фикрни иккинчи бор қайта таъкид этишимиз бежиз эмас.*



# ЭРКАКЛАРНИНГ АЁЛЛАР КИЙИМИДА ЮРИШИ ВА АЁЛЛАР ПАРДОЗ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН ХОЛДА ЎЗИГА ОРО БЕРИШИ

«Аёллар либосини киядиган эркакни ва эркаклар либосини киядиган аёлни Аллоҳ лаънатлайди», дейилади ҳадислардан бирида. Ҳадисларни эса биз миллий маънавиятимизнинг асосий манбаси сифатида қабул қиласиз. Шундан келиб чиқиб, аёллар либосини киядиган ва ўзини аёлга тенглаштирадиган эркакни маънавиятсиз ва ахлоқсиз деб қабул қилишимиз керак.



# **ФАРБОНА ҚАРАШЛАР НАТИЖАСИ ЎЛАРОҚ ЎЗИМИЗДА ПАЙДО БЎЛАЁТГАН АХЛОҚҚА ЗИД БЎЛГАН ХАТТИ- ХАРАКАТЛАР**

**Чунки маданият” улар билан ҳам “оммавий никобланмокда. Масалан, миллий санъатимизнинг устидан кулиб, bemaza ва маъносиз турли замонавий йўналишдаги қўшиқларни қўйиб ўйинга тушиш ва шунга ўхшаш ахлоқсизликлар.**



**ЗҮРАВОНЛИК**



*Инсонга етказилаған ҳар қандай жисмоний, маънавий, рухий, моддий тазииклар. Жумладан, ўзига нисбатан тазиик ўтказиши ҳам зўравонлик саналади. Бундай ҳолатлар ҳам кенг авж олиб бормокда.*



# ЗЎРАВОНЛИК

1. ХЕППИНИНГ

2. ТЎДА-ТЎДА БЎЛИБ (БИР ЁКИ БИР НЕЧА  
КИШИНИ) ДЎППОСЛАШ

3. ЙЎҚ ЖОЙДАН ЖАНЖАЛ ҚЎЗҒАБ,  
ВАҲШИЁНА УРУШЛАР УЮШТИРИШ

4. ЎЗИДАН ЗАИФ БЎЛГАН КИШИЛАРГА КУЧ  
ИШЛАТИБ, УЛАРНИ БИРОР БИР НОЖЎЯ  
ХАТТИ-ҲАРАКАТГА УНДАШ ЁКИ МАЖБУРЛАШ  
(ЁКИ БИРОР ФОЙДАЛИ ҲАТТИ-ҲАРАКАТ  
ҚИЛИШДАН ҚАЙТАРИБ ҚОЛИШ) ВА  
БОШҚАЛАР.



# ХЕППИНИНГ

Аввалдан режалаشتырилмаган, ногахода уюштириладиган «кескин» томошалар, масалан, роял, пианино ёки автомобилларни уриб абжағини чиқариш ёхуд үт қўйиш орқали ваҳшиёна, оммавий «кўнгил очиш»лар уюштириш. Бу каби воқеалар бизнинг юртимизда деярли кузатилмайди. Лекин “оммавий маданият” маҳсули бўлган фильм ва ўйинларнинг юртимиз сарҳадларидан яшириниб, сездирмай кириб келиши ва уларнинг ёш авлод томонидан қабул қилинишини бизнинг мамлакатимизда ҳам хеппининг бўлишига сабабчи бўлиши эҳтимолдан ҳоли Эмас.



# ТҮДА-ТҮДА БҮЛИБ (БИР ЁКИ БИР НЕЧА КИШИНИ) ДҮППОСЛАШ.

Бундай ҳолатлар күпрөк ёшлар  
лрасида кузатилади. Яқында күшни  
давлатлардан биридаги қишлоқ мактаби  
үқувчилари уч киши бўлиб 1та үқувчини  
дўпослаб, майиб қилганини ва  
жабрланувчи 1ҳафтадан сўнг вафот  
этганини айтишиди. Ўша мамлакат  
хукумати Эса шу каби воқеалар  
кўпаётганлигидан хавотир билдиrmокда.

# \* ЙЎҚ ЖОЙДАН ЖАНЖАЛ ҚЎЗҒАБ, ВАҲШИЁНА УРУШЛАР УЮШТИРИШ.

Масалан, бир куни шаҳардаги катта кўчалардан бирида икки ёш йигит бир талабадан сигарет сўраши. Талаба чекмаслигини айтди. Йигитлар пул сўраши. Талаба фақат йулкираси қолганини айтган эди. Бояги икки йигит талабани шундай тепкилашибдики, бундай тепкилашларни американинг жангари фильмларида кўрганмиз. Ким билсин, балки ўша икки йигит талабадан олмоқчи бўлган пулга ана шундай фильм сотиб олишни мўлжаллагандир.



\* **ЎЗИДАН ЗАИФ БҮЛГАН КИШИЛАРГА КУЧ ИШЛАТИБ,  
УЛАРНИ БИРОР БИР НОЖҮЯ ХАТТИ-ХАРАКАТГА  
УНДАШ ЁКИ МАЖБУРЛАШ (ЁКИ БИРОР ФОЙДАЛИ  
ХАТТИ-ХАРАКАТ ҚИЛИШДАН ҚАЙТАРИБ ҚОЛИШ) ВА  
БОШҚАЛАР.**

Бу каби барча хунрезликлар, зўравонликларнинг асосий сабабчиларидан бири қонли саҳналарга бой компьютер ўйинлари бўлиб, бундай ўйинларга муккасидан кетган ёшлар ҳаётда ҳам ўша ўйинни синаб кўриши натижасида юзага келмоқда.



ИНДИВИДУАЛИЗМ  
ВА  
ЭГОЦЕНТРИЗМ



# ИНДИВИДУАЛИЗМ ВА ЭГОЦЕНТРИЗМ

## 1. ЖАМИЯТ МАНФААТЛАРИНИ МЕНСИМАСЛИК.

2. ЎЗ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА ҲЕЧ НАРСАДАН ҚАЙТМАСЛИК ВА БОШҚАЛАР МАНФААТИДАН УНИ УСТУН ҚЎЙИШ.

ВАНДАЛИЗМ

НИГИЛИЗМ.

ЦИНИЗМ

СКЕПТИЦИЗМ.



**3. БОШҚАЛАРГА БИРОР ХИЛ МАЪЛУМОТ БЕРИШ  
ЖАРАЁНИДА УЛАРНИНГ ФИКРИ БИЛАН  
ХИСОБЛАШМАСЛИК, УЛАРНИ МЕНСИМАСЛИК**

**4. ҲАР ҚАНДАЙ ВАЗИЯТДА ЎЗИНИ ҲАММАДАН УСТУН  
ҚЎЙИШ, ҲАДДАН ОРТИҚ МАНМАНЛИККА БЕРИЛИШ.**

**5. ШУНИНГДЕК, ЭГОЦЕНТРИЗМНИНГ БОШҚА  
ТУРЛАРИНИ КЕЛТИРИШ МУМКИН.**

**6. ДАБДАБАЛИ ТЎЙЛАР ҚИЛИШ,  
МАҲОБАТЛИ УЙЛАР ҚУРИШ,  
АЁЛЛАРНИНГ ТЎЙДАН АВВАЛГИ ВА КЕЙИНГИ ТУРЛИ-  
ТУМАН ЯНГИЧА ТАДБИРЛАРИ,  
ЯНГИ ТУҒИЛГАН ГЎДАКНИ ТУҒРУҚХОНАДАН ОЛИБ  
ЧИҚИШ,  
ТЎЙ КУНИ САНОҚСИЗ ВА ҚИММАТБАҲО  
МАШИНАЛАР БИЛАН КЕЛИН-КУЁВНИНГ САЙРГА  
ЧИҚИШИ ВА ҲОКАЗО.**



# ЖАМИЯТ МАНФААТЛАРИНИ МЕНСИМАСЛИК

Масалан, никоҳ куни машиналар карвонини уюштириш одатини ана шундай иллатлардан бири сифатида келтириш мумкин. Чунки биргина күёв ва келин ўз манфаати деб бутун шаҳар йўлларида ҳаракатланаётган йўловчи автоуловларга халақит беради. Тўйлардаги машинлар карвони кундан кунга кенгайиб бормокда. Бу эса ўзига яраша нокулайлик ва айрим ҳолатларда фожеаларни келтириб чиқармокда. Жамият манфаатларини менсимаслик иллатига яна кўплаб мисолар келтириш мумкин.



\* ЎЗ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА ХЕЧ  
НАРСАДАН ҚАЙТМАСЛИК ВА  
БОШҚАЛАР МАНФААТИДАН УНИ  
**НИГИЛИЗМ.**

“Нигилизм” лотинча “Nihil”, яъни “хеч нима”, “хеч нарса” сўзидан олинган. Нигилизм – жамиятнинг ахлоқий, маънавий норма ва устунлари, тарихий ҳамда маданий қадриятларининг инкор этилиши; умумэътироф этилган, объектив қадриятларга нисбатан мутлако салбий ҳамда ўта танқидий муносабатда бўлиш; муайян ҳодисага нисбатан бир ёқлама, келишувни рад этган тарзда муносабат билдириш; бузғунчилик ғояларини ўзида ифодалаш.



# \*СКЕПТИЦИЗМ.

Дунё хақида ишончли билимларга эришиш мумкинлигини шубҳа остига олувчи таълимотлардан бири. Скептицизм – билимдан кўра ҳиссий идрокни устун қўйиш ва шу асосда иш тутиш. Яъни улар билим ва тажрибалар асосида эмас, балки ўзларининг ҳис-туйғулари асосидагина иш кўришни хоҳловчилардир.



# \* ЦИНИЗМ.

Беадаблик, уятсизлик, ҳаёсизлик; сурбетлик, орсизлик; қахри қаттиқлик, бағри тошлик, шафқатсизлик, раҳмсизлик бераҳмлик, золимлик; такаббурлик, манманлик, димоғдорлик, кибр-ҳаво; бепарволик, эътиборсизлик, лоқайдлик. Беадаблик – асосий мақсад эмас, омадга эришиш воситаси, холос. Зарурат туғилганда ўз принципларидан чекинмаслик оқибатида инсон бир умр азият чекиб, ўз беҳаёлиги эвазига қўлга киритилган эркидан шикоят қилиб ўтиши мумкин. Бундай беадабликлардан бири – йигит кишининг ўзига бино қўйиб, тўйдан аввал бирор қизнинг номусини топташи ёки қиз боланинг ўз номусини топталишига йўл очиб бериши.





**ВАНДАЛИЗМ** – маданий ёдгорликларни, қадриятларни вахшийларча вайрон, оёқ ости килиш, йўкотиш; маданиятсизлик, жаҳолат, нодонлик.



## БОШҚАЛАРГА БИРОР ХИЛ МАЪЛУМОТ БЕРИШ ЖАРАЁНИДА УЛАРНИНГ ФИКРИ БИЛАН ҲИСОБЛАШМАСЛИК, УЛАРНИ МЕНСИМАСЛИК.

\* (ўз фикр-ўйлари, манфаатлари доирасида қотиб колган инсоннинг атроф-мухит ва одамларга оид ўз билимлари ва ўзгаларга муносабатини ўзгартира олмаслигини билдиради).

“Замонавий информацион хуружларнинг муаллифларида айнан шу каби эгоцентризм кузатилади ва улар ўзларига ўхшаш факт ўз манфаатинигина кўзлайдиган авлод онгини қамраб олишга ҳаракат қиласи,” – дейди Севара Мусаева.

Севара Мусаева. Ахборот таҳдидларини баҳолаш ва хавфсизликни таъминлаш имкониятлари. <http://fikr.uz/posts/your-articles/2896.html>





## \* ХАР ҚАНДАЙ ВАЗИЯТДА ЎЗИНИ ХАММАДАН УСТУН ҚҮЙИШ, ҲАДДАН ОРТИҚ МАНМАНЛИККА БЕРИЛИШ.

Бу иллатни биз халқ орасидаги казо-казоларнинг тўй қилиш ва уй қуриши жараёнида кузатишимииз мумкин. Тўй қилишганда манманликлари натижаси ўлароқ, янги-янги, оддий одамлар қилиши қийин бўлган одатлар қилишади, ноўрин хотамитойликлар қилишади. Уй қурганда эса қўни-қўшниларнинг уйидан бир неча баробар баланд ва хашаматли қилишади. Бундай одатларининг бари миллий қадриятлармизга зид бўлиб, одамлар орасида турли келишмовчиликларни келтириб чиқариш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.



## ЭГОЦЕНТРИЗМНИНГ БОШҚА ТУРЛАРИ

“Ёш авлодимизни турли маънавий тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳақида гапирганда, нафақат халқимизни улуғлайдиган буюк хусусиятлар айни пайтда унинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатган, эски замонлардан қолиб келаётган номаъқул одатлар ҳақида ҳам очик сўз юритишимиз зарур.

Биринчи навбатда худбинлик ва лоқайдлик, қариндош-уруғчилик ва маҳаллийчилик, коррупция ва манфаатпарастлик, бошқаларни менсимаслик каби иллатлардан жамиятимизни бутунлай халос этиш тўғрисида ўйлашимиз лозим”.  
Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008 йил. 120-сар.

\*ЭТЬИБОРИНГИЗ  
УЧУН РАҲМАТ!